

СУКЦИНАСОЛ ТАБЛЕТКА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШДА СУБСТАНЦИЯЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

О.М.Эрназаров, Х.К.Жалилов

Тошкент фармацевтика институти,

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош
бошқармаси, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: шартли равишда “Сукцинасол” деб номланган
мажмуавий дори тури технологиясини яратишда субстанцияларни
технологик хоссаларини ўрганиш.

Усуллар: Сукцинасол таблетка таркиби мураккаб бўлиб, натрий
хлор, калий хлор, магний хлор, кальций хлор, натрий гидрокарбонат,
янтар кислоталари сақлайди. Улар кристаллик хоссаларига эга бўлиб
сувда яхши эрийди, спиртда қийин эрийди. Мураккаб таркиблар
турли нисбатларда аралаштирилганда технологик жараён ҳар
томонлама ўзгаради; илмий адабиётларда келтирилган усуллардан,
шунингдек ХI ДФда келтирилган усуллардан фойдаланиб
тажрибалар олиб борилди.

Натижалар: мураккаб таркибли сукцинасол таблеткасини
субстанцияларини технологик хоссаларини ўрганишда уларнинг
сараланиш таркиби, сочилма зичлиги, сочилувчанлиги,
прессланувчанлиги, қолдиқ намлиги ўрганилди. Олинган
субстанцияларнинг сараланиш таркиби ҳар-хил ўлчамли элақларда
ўрганилди. Янтар кислота ва магний хлор -2000+1000 мкм элақда
0,69-0,29 % ни, -100мкм ўлчамли элақда эса 12,60-10,60 % ни,
натрий хлор ва кальций хлор -1000+500 мкм ўлчамли элақда 22,18-
19,18 % ни ташкил этди.

Сараланишлар оралиғидаги ўзаро яқинлик грануламетриқ таркибни
намоён қилмади. Субстанцияларни саралаш таркиби кўрсаткичи
элақлар тўпламларига нисбатан ўзаро тақсимланмади, бу эса
субстанцияларнинг таркибидаги кристаллик шаклларни ҳар хил
бўлганлиги кичик ўлчамдаги элақларда юқори фоизни ташкил этди.
Субстанцияларнинг сочилма зичлиги 123,67 кг/м³-375,91 кг/м³ ни,
сочилувчанлиги 1,28*10⁻³ кг/с - 3,56*10⁻³ кг/с тажрибалар асосида
ўрганилди. Қолдиқ намликлари эса 6,0-12 % ни ташкил этганлиги,
уларни эркин тўкилиш бурчаги 49,42-75,31 градусни,
прессланувчанлик эса 20,60-52,18 Нни ташкил этди. Зеро олинган
субстанцияларнинг технологик хоссалари салбий кўрсаткичларни
намоён қилди.

Хулосалар: субстанцияларнинг технологик хоссаларини яхшилаш
мақсадида улар таркибидаги қолдиқ намликни кескин камайитириш

ҳамда нам ютишни камайтирувчи ёрдамчи моддаларни қўллаш
лозим.